

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

44-сон
(804)
2017 йил
6 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

1108. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПФ–5223-сон Фармони

1109. «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3365-сон қарори

Учинчи бўлим

1110. «Меҳнат бозорининг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюрт-

масини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 октябрдаги 877-сон қарори

1111. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги Ф–5017-сон фармойиши)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 октябрдаги 881-сон қарори

Бешинчи бўлим

1112. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 30 октябрдаги 354-мқ-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-4*)

1113. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 6, 149, 130-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматни инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2943*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 28 октябрдан 3 ноябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****1108 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек,
баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 31 июлдаги ПҚ–3166-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асоида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарорига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А.И. Ахмадхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 ноябрь,
ПФ–5223-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги
ПФ–5223-сонли Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат
кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар
ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни
чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»
2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарорига
киритиладиган ўзгартиришлар**

а) 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 1-илованинг:

2-банди учинчи хатбошидаги «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган контрактлар ва шартномаларни» сўзлари чиқариб ташлансин;

«а» кичик бандининг учинчи хатбоши, 7-банднинг «б» кичик банди тўртинчи, бешинчи ва саккизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

18-бандидаги «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномалар (экспорт-импорт контрактлари)» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-бандидаги «хамда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида тузилган шартномаларни бажариш» сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги
ПФ–5223-сонли Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғриси-

да» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сонли Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2009 йил 5 мартдаги ПФ–4089-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 2013 йил 29 январдаги ПҚ–1913-сонли қарорнинг 7- ва 8-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ–1236-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2013 йил 8 апрелдаги ПҚ–1949-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ–2640-сонли қарорининг 8-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 апрелдаги ПҚ–2887-сонли қарорининг 1- ва 2-иловаларидаги «Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси» блоки.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3067-сонли қарори 2-иловасининг 85-позицияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**1109 Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олувчи комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин:

2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага** мувофиқ;

2018 — 2021 йилларда Дастурни амалга ошириш молиявий харажатларининг ҳисоб-китоб ҳажмлари параметрлари 2-иловага** мувофиқ;

2018 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастури 3-иловага** мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар ўзларининг тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ҳолда:

а) тасарруфдаги ҳар бир илмий-тадқиқот муассасасининг келгуси календарь йилида реконструкция қилиниши ёки капитал таъмирланиши лозим бўлган бино ва хоналарини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш бўйича техник вазифаларни;

келгуси календарь йилида жиҳозланиши лозим бўлган тасарруфдаги илмий-тадқиқот муассасаларини жиҳозлаш учун илмий ва лаборатория ускуналарининг уларга бўлган эҳтиёжни асослаган ҳолда таснифлагичларини ишлаб чиқилишини таъминласин;

б) техник вазифалар ва таснифлагичлар асосида илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва хоналарини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни замонавий илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун маблағ ажратиш бўйича буюртманомаларни шакллантирсин ҳамда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

уларни Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига тақдим этсин.

3. Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси (А.Н. Арипов):

а) илмий-тадқиқот муассасаларининг асосланган буюртманомалари асо­сида ишлаб чиқилган Фан ва технологиялар агентлигининг таклифлари бўй­ича молиявий харажатларнинг умумий тасдиқланган параметрлари дои­раси­да ҳар йили:

илмий-тадқиқот муассасаларини таъмирлаш-қайта тиклаш ишларининг манзилли рўйхатларини;

ҳар бир илмий-тадқиқот муассасасининг моддий-техника таъминотини ҳисобга олган ҳолда, илмий лабораторияларни замонавий илмий ва лабо­ра­тория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материал­лар ва реактивлар билан узлуксиз таъминлаш бўйича манзилли рўйхатлар­ни тасдиқласин;

б) Дастур бажарилишининг тизимли мониторингини олиб борсин ва ҳар ярим йил ҳамда йил якунлари бўйича унинг бажарилиши натижаларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Дастурни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат ветеринария қўми­таси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари ва корпусларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан таш­қари маблағлари ҳамда идоравий мансублиги бўйича тегишли ташкилотлар­нинг ўз маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари ва корпусларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таъ­лим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, илмий-тад­қиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда тегишли ташкилотларнинг ўз маблағлари;

илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лабораторияларини замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш, ёш олимларнинг етакчи хо­рижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини молия­лаштириш учун — Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси ҳузу­ридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жам­ғармаси маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор­мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муас­сасаларини офис ва лаборатория мебелли билан жиҳозлаш учун — Ўзбекис­

тон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатларнинг кредит ва грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасаларини офис ва лаборатория мебелли билан жиҳозлаш учун — тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқа муассасаларининг ўз маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор-мамлакатлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектларини сотишдан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг асосланган ҳисобкитоблари бўйича уларни офис ҳамда лаборатория мебелли билан жиҳозлаш учун тегишли илмий-тадқиқот муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги 2018 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг асосланган таклифлари бўйича, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Дастурда кўзда тутилган объектларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш учун капитал маблағлар лимитларини назарда тутсин.

6. Дастурда кўзда тутилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш доирасида:

«Inkom capital qurilish» инжиниринг компанияси — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси объектлари бўйича буюртмачи;

«Сувқурилишинвест» ДУК — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси объектлари бўйича буюртмачи;

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси объектлари бўйича буюртмачи;

«Ўрмонлоиҳа» ДУК — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси объектлари бўйича буюртмачи;

танлов савдолари натижалари бўйича ташкилотлар — бош лойиҳачи ва пудратчи этиб белгилансин.

7. Буюртмачилар лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартиб ва муддатларда ишлаб чиқилишини, ваколатли давлат экспертиза органларида кўриб чиқилиши ва келишиб олинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Дастурни амалга ошириш доирасида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

8. Дастурни амалга оширишда, шахсий жавобгарлик:

тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг бино ва хоналарини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда уларни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан таъминлаш бўйича барча ишларнинг сифатли ва ўз муддатида бажарилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Ж. Раматов зиммасига;

назарда тутилган барча тадбирларнинг, шу жумладан илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли бино ва хоналарини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий илмий ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, бутловчи қисмлар, зарур материаллар ва реактивлар билан таъминлаш ишларининг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда молиялаштирилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

9. Фан ва технологиялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, тасарруфидида илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Фан ва технологиялар давлат комиссиясига Республика иқтисодиёти тармоқларининг аниқ муаммоларини ҳал қилиш, рақобатбардош илмий ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган, қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2022 йилларда Давлат комплекс мақсадли илмий-тадқиқот дастурлари концепциясини киритсин:

фундаментал, амалий илмий тадқиқотлар ва инновация ишланмаларини — Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигига давлат илмий-техника дастурларини молиялаштириш учун бюджетдан ҳар йили ажратиладиган маблағлар, манфаатдор хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари, халқаро молия институтлари, ташкилотлар ва донор-мамлакатлар грантлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг илмий тадқиқотларни молиялаштириш, тажриба-тадқиқот ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, шунингдек, илмий-техник ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этишдан манфаатдорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари.

10. Белгилаб қўйилсинки:

давлат илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига (илмий ходимлардан ташқари) бюджет ташкилотлари ходимлари учун белгиланган моддий рағбатлантириш шартлари жорий этилади;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб вазирлик ва идораларнинг гуманитар ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга давлат илмий-тадқиқот муассасалари бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг айрим тоифадаги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш асосида амалга оширилади;

базавий молиялаштириш субъектлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг Молия вазирлиги билан келишилган таклифларига биноан Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлик ва идоралар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 1 ноябрь,
ПҚ-3365-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1110 Мехнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон қарори билан тасдиқланган Мехнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, бандлик масалаларини комплекс ҳал этиш, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш чора-тадбирлари натижадорлигини кучайтириш, кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш, мехнат бозорининг мувозанатига эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Мехнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

иш ўринларини ташкил этишга давлат буюртмасини шакллантириш ва тасдиқлаш схемаси 2-иловага мувофиқ;

таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш ва тасдиқлаш схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, давлат буюртмасининг шакллантирилишини мувофиқлаштириш:

иш ўринлари ташкил этиш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги;

таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда иш ўринларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш методикасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, таълим муассасалари иш ўринларини ташкил этиш ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 31 октябрда эълон қилинган.

кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасининг прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида ва сифатли шакллантирилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А. Хаитов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Мажидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 октябрь,
877-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 октябрдаги 877-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини
ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар
тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом бандлик масалаларини комплекс ҳал этишни таъминлаш, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш чора-тадбирларининг натижадорлигини кучайтириш, кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш ва меҳнат бозорининг мувозанатига эришиш мақсадида меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринлари ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

иш ўринларини ташкил этишга давлат буюртмаси — ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш учун зарур ташкилий-техник тавсифларга эга

бўлган муайян миқдорда иш ўринларини ташкил этишни таъминлаш юзасидан иш берувчиларга берилган топширик;

кадрлар тайёрлаш учун давлат буюртмаси — меҳнат бозори эҳтиёжини малакали кадрлар билан таъминлаш учун зарур касбий малака хусусиятларига эга бўлган мутахассисларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан олий, ўрта махсус, касб-хунар ва умумий ўрта, шу жумладан нодавлат таълим муассасаларига (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб аталади) берилган топширик;

ташкил этилган иш ўрни — ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажмини кенгайтириш, шунингдек ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш муносабати билан бўшаб қоладиган иш ўринларини тўлдириш учун иш берувчи томонидан янги ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларида ташкил этилган иш ўрни;

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури — республика ҳудудларида, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш прогноз кўрсаткичлари, шунингдек тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришиш чора-тадбирларини, уларни бажаришнинг аниқ муддатларини ва масъул ижрочиларни ўз ичига олган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган ҳужжат;

кадрлар тайёрлаш прогноз кўрсаткичлари — белгиланган тартибда тасдиқланадиган таълим муассасаларига қабул қилиш квоталари.

3. Қўйидагилар иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

мутахассислар тайёрлашнинг олдиндан белгиланган касбий-малака тузилмаси ҳамда иш топишда қийинчиликларга учраётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қилаолмаётган банд бўлмаган шахсларни (кейинги ўринларда банд бўлмаган шахслар деб аталади) ишга жойлаштиришга бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб, таълим муассасалари битирувчиларини кафолатли ишга жойлаштириш учун мақсадли иш ўринларини ташкил этишни таъминлаш;

меҳнат бозоридаги мутахассисларга олдиндан белгиланган эҳтиёжини ҳисобга олиб, таълим муассасалари томонидан кадрлар тайёрлашнинг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан кадрлар тайёрлаш тузилмасини мақбуллаштириш.

2-боб. Давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан иш ўринлари ташкил этишга давлат буюртмасини шакллантириш

4. Иш ўринлари ташкил этишга давлат буюртмасида давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва тармоқларни модернизация қилиш дастурларига (кейинги ўринларда ривожлантириш дастурлари деб аталади) киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган хусу-

сиятларни аниқлаш орқали олдиндан белгиланган иш ўринлари сони аниқланади.

5. Иш ўринлари ташкил этиш давлат буюртмаси меҳнат ресурсларини жалб этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда банд бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун келгуси йил учун шакллантирилади.

6. Ривожлантириш дастурларини амалга оширишнинг жорий ва истиқболдаги таҳлили асосида ташкилотлар ҳар йили 1 сентябргача юқори турувчи давлат ва хўжалик бошқарув органларига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ иш ўринларини ташкил этиш эҳтиёжининг бирламчи кўрсаткичларини тақдим этади.

7. Иш ўринлари ташкил этишга эҳтиёжнинг бирламчи кўрсаткичлари: ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ёки мавжуд қувватларни кенгайтириш;

хизмат кўрсатиш ва сервис, янги турар жойлар қурилиши соҳаларидаги объектлар ҳамда ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини ишга тушириш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш эвазига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш, янги боғлар ва тоқзорларни барпо этиш, чорва моллари сонини кўпайтириш;

аҳолининг тадбиркорлик фаоллиги ўсиши, янги тадбиркорлик ва хунармандчилик субъектларини ташкил этиш, тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредитларини ажратиш;

ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун фойдаланилмаётган биноларни инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар асосида «нол» қийматда тақдим этиш ҳамда давлат мулкани ижарага бериш орқали инвестиция лойиҳалари ва хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш «йўл хариталари»ни амалга ошириш муносабати билан зарур иш ўринларини аниқлаш асосида ҳисоблаб чиқилади.

8. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари идоравий мансуб ташкилотлардан олинган иш ўринлари ташкил этиш эҳтиёжларининг бирламчи кўрсаткичлари асосида ҳар йили 1 октябргача иш ўринлари ташкил этиш давлат буюртмасини ўрнатилган тартибда кўриб чиқади, тасдиқлайди ва ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ аҳоли бандилигига кўмаклашиш Давлат дастурига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тушунтириш хати билан юборади.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳар йили 20 октябргача иш ўринлари ташкил этиш давлат буюртмаси белгиланган тартибда кўриб чиқилишини ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасига киритилишини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар йили 1 ноябрдан кечикмай Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат

дастури лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

11. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини тасдиқлаш, амалга ошириш ва бажарилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан иш ўринлари ташкил этишга давлат буюртмасининг шакллантирилиши

12. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари иш ўринлари ташкил этишга давлат буюртмасини юқори турувчи ташкилотларга эга бўлмаган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) бўйича ҳудудий ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб шакллантиради. Иш ўринлари ташкил этиш эҳтиёжларининг бирламчи кўрсаткичлари ушбу Низомнинг 4 — 9-бандларида қайд этилган тартибларга мувофиқ ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан шакллантирилади, аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

13. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан иш ўринлари ташкил этиш давлат буюртмасини шакллантирилиши минтақа ҳудудида фаолият юритаётган ташкилотларнинг ишлаб чиқариш (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳажмлари кенгайтирилиши ва оширилиши учун кадрларга бўлган эҳтиёжни, янги хусусий ва кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тенденцияларини таҳлил қилиш ҳамда ташкилотларнинг таклифлари асосида амалга оширилади.

14. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ташкилотлардан олинган иш ўринлари ташкил этиш эҳтиёжининг бирламчи кўрсаткичлари асосида ҳар йили 1 октябргача иш ўринлари ташкил этиш давлат буюртмасини белгиланган тартибда кўриб чиқади, тасдиқлайди ва ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тушунтириш хати билан юборади.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳар йили 1 ноябргача ушбу Низомнинг 10 ва 11-бандларида белгиланган тартибда иш ўринлари ташкил этишга давлат буюртмаси белгиланган тартибда кўриб чиқилишини, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига киритилишини ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлайди.

4-боб. Кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш

16. Кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасида давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томони-

дан ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, фаолиятнинг янги йўналишларини, технологияларни ва инвестицияларни жорий этиш ҳамда кадрлар қисқаришини тўлдириш учун зарур бўлган идоравий мансуб ташкилотларнинг кадрлар таркибини тўлдириш учун таълим муассасаларида мутахассислик ва малака бўйича кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва ҳажми аниқланади.

17. Кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш учун кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш ходимларнинг сон ва сифат таркибининг ўртача йиллик кўрсаткичларининг ўзгариши, корхоналарни ривожлантириш бизнес-режалари ва стратегиялари, бозор конъюктурасининг маркетинг тадқиқотлари, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш тенденция ва динамикасидан келиб чиқиб ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

18. Кадрларга бўлган эҳтиёж таълим муассасалари бўйича бошқарув, ишлаб чиқариш, техник ва ёрдамчи ходимлар билан тўлдириш учун ишлаб чиқилади.

19. Кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш мақсадида ташкилотлар ҳар йили 1 октябргача ушбу Низомга 4-иловада назарда тутилган шаклга мувофиқ кадрларга бўлган эҳтиёжни давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ҳамда бўйсунувда бўлган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этади.

20. Кадрларга бўлган эҳтиёж ҳақидаги маълумотлар ҳудудларнинг жорий ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари ҳисобга олинган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, иқтисодиёт тармоқларининг истиқболи ҳисобга олинган ҳолда эса — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан аниқлаштирилади.

21. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аниқлаштирилган маълумотларга асосан йиллар бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжни алоҳида кўрсатган ҳолда, таълим даражаси бўйича кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини ҳар йили 1 ноябрга қадар келгуси прогноз йили учун шакллантирилади ва ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

22. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Қуролли Кучлар, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, давлат божхона хизмати органларига кадрлар тайёрлаш учун мутахассисликлар (мутахассислик йўналишлари) бўйича буюртмани шакллантиради.

23. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига киритилган мутахассисликлар (мутахассислик йўналишлари, ихтисослик), малакалар (ишчи касблари, хизматчилар лавозимлари) асосида белгиланади.

24. Давлат органлари кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини амалга оширишда зарурат туғилганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига янги касбларни (мутахассисликларни)

киритиш ёки талаб бўлмаган мутахассисликларни (мутахассислик йўналишлари, ихтисослик), касбларни (ишчи касблари, хизматчилар лавозимлари) бекор қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига киритади.

25. Кадрлар тайёрлашга давлат буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси прогноз йили учун таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш прогноз кўрсаткичларини шакллантиради.

26. Таълим муассасалари бўйича таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш прогноз кўрсаткичларини тасдиқлаш ва тасдиқланган кўрсаткичлар ижросини таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Давлат буюртмасига мувофиқ иш ўринларини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

27. Иш ўринларини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини олган ташкилотлар ва таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойсиз ссуда тарзидаги қайтариладиган субсидия ажратилиши мумкин.

28. Ссуда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарорига асосан:

янги иш ўринларини ташкил қилувчи корхона, ташкилотларга — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан;

таълим муассасаларига — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда берилади.

29. Ссуда уч йил муддатгача Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида берилади.

30. Ссуда миқдори иш ўринларини ташкил этиш учун давлат буюртмаси дастурига мувофиқ яратилган битта иш ўрни ёки давлат буюртмаси бўйича кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил қилинган битта ўқувчининг ўрнига қараб, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 12 баробаридан ошмаган ҳолда ҳисобланади.

31. Ссуда ажратиш учун қуйидаги шартларни бажариш лозим бўлади: ташкилот ёки таълим муассасаси иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси дастурига киритилган бўлиши;

ташкилот ёки таълим муассасасининг солиқ қарздорлиги, тижорат банкларининг кредитлари бўйича кечиктирилган қарзлари бўлмаслиги керак.

32. Ссуда ажратиш тўғрисидаги қарорни тайёрлаш учун ташкилот ёки таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ссуда олиш учун ариза;

ссуда берилишининг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий асослаш ва унинг қайтарилиши кафолати;

охирги ҳисобот даври учун солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида солиқ органлари маълумоти, шунингдек, муддати ўтган кредит қарзлари мавжуд эмаслиги ҳақида хизмат кўрсатувчи тижорат банкидан маълумотнома;

ссуда қайтарилишини таъминлаш, шу жумладан гаров, кафиллик, банк кафолати ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминлаш турлари.

33. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида ссуда ажратиш тўғрисидаги қарорни янги иш ўринларини ташкил қилган ташкилотлар бўйича Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига, таълим муассасалари бўйича эса — Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига келишиш учун юборади.

34. Ссуда келишилган ва тасдиқлангандан сўнг ташкилот ёки таълим муассасасининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

35. Ссуда олишнинг имтиёзли ҳуқуқи банд бўлмаган шахслар учун, шунингдек ишсизлик даражаси юқори бўлган туманларда иш ўринлари ёки таълим муассасаларида ўқувчи ўринлари ташкил этувчи ташкилотлар ёки таълим муассасаларига берилади.

36. Ссуда фақат уни олиш учун аризада кўрсатилган мақсадлар учун, шу жумладан иш ўринларини ташкил қилишда ва фуқароларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, техника, махсус жиҳозлар сотиб олиш ва ўрнатиш учун ҳам ишлатилиши мумкин.

37. Мақсадли фойдаланилмаган ёхуд уларни олиш учун бошқа шартларни бузган ҳолда фойдаланилган ссудалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини қўллаш билан қопланади.

Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги
эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини
ташқил этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат
буюртмасини шакллантириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Иш ўринларини ташқил этиш эҳтиёжнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

_____ (ташқилот номи)

_____ (жойлашган жойи)

_____ (иқтисодий фаолият тури коди)

Касб (лавозим) номи	ХАЛИКК-2017* бўйича коди	Йиллар бўйича иш ўринларини ташқил эҳтиёжи, киши
Жами:		

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори.

Ташқилот раҳбари

_____ (имзо, муҳр)

Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини
ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар
тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Иш ўринларини ташкил этишга ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ*

(давлат ва хўжалик бошқаруви органи номи)

(жойлашган жойи)

Иқтисодий фаолият тури коди	Иш ўринлари тоифаси	Иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрлари, киши	Ходимларнинг амалдаги сони
	Бошқарув ходимлари		
	Ишлаб чиқариш ходимлари		
	Техник ходимлар		
	Ёрдамчи ходимлар		
	Бошқарув ходимлари		
	Ишлаб чиқариш ходимлари		
	Техник ходимлар		
	Ёрдамчи ходимлар		
Жами:	Бошқарув ходимлари		
	Ишлаб чиқариш ходимлари		
	Техник ходимлар		
	Ёрдамчи ходимлар		

* Шаклга ҳар бир ташкилот бўйича қўшимча эҳтиёжнинг аниқлаштирилган прогнози Низомнинг 1-иловасига мувофиқ илова қилинади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбари

(имзо, муҳр)

Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги
 эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил
 этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини
 шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
 3-ИЛОВА

**Иш ўринларини ташкил этишга
 ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ***

(маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи номи)

Ташкилотнинг номи ва жойлашган манзили	Иқтисодий фаолият тури коди	Иш ўринлари тоифаси	Иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрлари, киши	Ходимларнинг амалдаги сони
		Бошқарув ходимлари		
		Ишлаб чиқариш ходимлари		
		Техник ходимлар		
		Ёрдамчи ходимлар		
		Бошқарув ходимлари		
		Ишлаб чиқариш ходимлари		
		Техник ходимлар		
		Ёрдамчи ходимлар		
Жами:		Бошқарув ходимлари		
		Ишлаб чиқариш ходимлари		
		Техник ходимлар		
		Ёрдамчи ходимлар		

* Шаклга ҳар бир ташкилот бўйича қўшимча эҳтиёжнинг аниқлаштирилган прогнози Низомнинг 1-иловасига мувофиқ илова қилинади.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органи раҳбари

(имзо, муҳр)

Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги
эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил
этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

_____ (ташкilot номи)

_____ (жойлашган жойи)

_____ (иқтисодий фаолият тури коди)

Касб (лавозим) номи	ХАЛИКК-2017* бўйича коди	Йиллар бўйича кадрларга бўлган эҳтиёж, киши		
Жами:				

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори.

Ташкilot раҳбари

_____ (имзо, муҳр)

Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги
эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш ўринларини ташкил
этиш ва кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Кадрлар тайёрлашга бўлган ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ

(Давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий ижро ҳокимияти органи номи)

Касб (лавозим) номи	ХАЛИКК-2017* бўйича коди	Йиллар бўйича кадрларга бўлган эҳтиёж, киши		
Тармоқ бўйича жами:				

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органи, маҳаллий
ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари

(имзо, муҳр)

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 октябрдаги 877-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Иш ўринларини ташкил этишга давлат буюртмасини
шакллантириш ва тасдиқлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич (иш ўринларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш)	Ташкилотлар (идоровий мансуб ёки юқори турувчи ташкилоти бўлмаган)	Иш ўринларини ташкил этишга эҳтиёж кўрсаткичларини шакллантириш	ҳар йили 1 сентябрга қадар
2-босқич (иш ўринларини ташкил этишга давлат буюртмасини тасдиқлаш)	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Тақдим этилган иш ўринларини ташкил этиш эҳтиёжи кўрсаткичлари асосида иш ўринларини ташкил этиш Давлат буюртмасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш	ҳар йили 1 октябрга қадар
3-босқич (давлат буюртмасини Бандлик дастурига киритиш)	Меҳнат вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги	Иш ўринларини ташкил этиш Давлат буюртмасини кўриб чиқиш ва Аҳоли бандлигини таъминлашга қўмаклашиш давлат дастури лойиҳасига киритиш	ҳар йили 20 октябрга қадар
4-босқич (Бандлик дастурини тасдиқлаш)	Меҳнат вазирлиги	Аҳоли бандлигини таъминлашга қўмаклашиш давлат дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш	ҳар йили 1 ноябрга қадар
5-босқич (Бандлик дастурини амалга ошириш)	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Аҳоли бандлигини таъминлашга қўмаклашиш давлат дастури бажарилишини таъминлаш ва мониторингини амалга ошириш	Прогноз йил давомида

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 28 октябрдаги 877-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини
шакллантириш ва тасдиқлаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич (эҳтиёжни аниқлаш)	Ташкилотлар	Уч йиллик давр учун мутахассислик- лар ва касблар бўйича кадрларга бўл- ган эҳтиёжни аниқлаш ва маълумот- ларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юбориш	ҳар йили 1 октябрга қадар
2-босқич (давлат буюртмасини шакллантириш)	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги тақдим этилган маълумотлар таҳлили асосида уч йиллик давр учун кадрлар тайёрлашга Давлат буюртмасини шакллантириш	ҳар йили 1 ноябрга қадар
3-босқич (кадрлар тайёрлашнинг прогноз параметрларини шакллантириш)	Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги	Кадрлар тайёрлашга Давлат буюртмаси асосида таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш прогноз кўрсаткичларини шакллантириш	ҳар йили 1 декабрга қадар
4-босқич (прогноз параметрларни тасдиқлаш)	Иқтисодиёт вазирлиги	Таълим муассасаларида таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш прогноз кўрсаткичлари лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш	белгиланган муддатларда
5-босқич (кадрлар тайёрлаш)	Таълим муассасалари	Тасдиқланган параметрларга мувофиқ кадрлар тайёрлашни таъминлаш	белгиланган таълим муддати давомида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**1111** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги Ф–5017-сон фармойиши)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги Ф–5017-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 октябрь,
881-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 31 октябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 30 октябрдаги 881-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига қуйидаги мазмундаги 4¹-банд қўшилсин:

«4¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда уларнинг ижро учун юборилишини, улар бажарилишининг натижалари юборилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги Ф–5017-сон фармойишига мувофиқ Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарорига қуйидаги мазмундаги 1¹-банд қўшилсин:

«1¹. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда уларнинг ижро учун юборилишини, улар бажарилишининг натижалари юборилишини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги Ф–5017-сон фармойишига мувофиқ Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

1112 Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқ-номага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ўРҚ–446-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ–5199-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 1 февралдаги 29-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 31 октябрда эълон қилинган.

Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 30 октябрь,
354-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2017 йил 30 октябрдаги
354-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 62-банддаги «фермерлар кенгашлари» деган сўзлар «фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4, 4¹ ва 4²-иловалардаги «икки кундан кечикмай» деган сўзлар «бир кун ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

1113 Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2943*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 48-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича қурилиш материаллари нархлари индексининг ўтган йилги ўзгариши даражасидан келиб чиқиб, янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматини инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 32-банди ва унга 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қиймати миқдорлари 2017 йилда 1,246 бараварга индексация қилинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2017 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш,
2017 йил 29 сентябрь,
6-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш,
2017 йил 29 сентябрь,
149-сон

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш,
2017 йил 29 сентябрь,
130-сон

Келишилган:

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. БЕГАЛОВ

2017 йил 20 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2017 йил 28 октябрдан 3 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 30 октябрдаги 354-мх-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2420-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 6, 149, 130-сон «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати, лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар олиб қўйилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ушбу қийматни инобатга олиб ҳисобланган миқдори ҳамда пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш қийматини индексация қилиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2943.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 21 октябрдаги 28/3-сон «Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатмага ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 1 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 951-6.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 21 октябрдаги 126-В-6, 01-02/19-40-сон «Жисмоний шахслар томонидан нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 3 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 716-6.